

## ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ЁШЛАРИ БАНДЛИК КЎРСАТКИЧЛАРИНИ СОЦИОЛОГИК ЎЛЧАШНИНГ МЕТОДОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ

Исламбаев Р. -  
ЎзМУ тадқиқотчиси

Қорақалпоғистонда ёшлар орасида бандлик динамикасини ўрганишда биргина статистикага таяниб қолмасдан, ёшларнинг ишсизлик сабабларини чуқурроқ тушуниш учун сифатли усулларни (интервьюлар, фокус-гурӯҳлар) қўллаш керак. Миқдорий ва сифатли методлар комплекси (*Mixed methods*) “Ёшлар дафтари” тизимидаги маълумотларни бойитади. “Ёшлар дафтари” тизимидаги рақамларни сифатли методлар орқали текшириш (*triangulation*) сизга рақамлар ортидаги инсоний омилларни кўрсатиб беради. Масалан, расмий статистикада “иш билан таъминланган” деб кўрсатилган ёшлар аслида норасмий секторда паст даромадга ишлаётган бўлиши мумкин. Тадқиқотда иккиламчи маълумотларни таҳлил қилиш (*Secondary Data Analysis*) UNDP ва Халқаро Меҳнат Ташкилоти (*ILO*) каби халқаро ташкилотларнинг Ўзбекистон ва Марказий Осиё бўйича мавжуд ҳисоботларидан фойдаланилди. Бу мазкур тадқиқот доирасида халқаро контекстда Қорақалпоғистон ҳолатини баҳолаш имконини берди.

Тадқиқот кўрсаткичлари сифатида Қорақалпоғистоннинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, қуйидаги индикаторлар танланди:

1. Норасмий бандлик даражаси – Қорақалпоғистонда қишлоқ хўжалиги, савдо ва қурилиш каби соҳалардаги норасмий бандлик даражаси ва унинг ёшларга таъсири аниқланади.

2. Қорақалпоғистон ёшлари орасида кўчиш (*миграция*) кўрсаткичлари – ички ва ташқи меҳнат миграциясининг ижтимоий сабабларини, ёшларнинг чет элга кетиш мотивларини (*юқори даромад, шахсий ривожланиш*) социологик нуқтаи назардан очиб беради.

3. Гендер тафовутлар – қизлар ва аёллар бандлигидаги муаммоларни алоҳида таҳлил қилиш (*уй-рўзгор мажбуриятлари, паст мобиллик*).

4. Рақамли бандлик (*Digital Literacy*): Олис ҳудудлардаги ёшларнинг масофавий ишлаш (*фриланс*) имкониятлари ва интернет инфратузилмасининг бандликка таъсири.

5. Экологик омил (*Орол фожиаси таъсири*): Экологик вазият сабабли анъанавий соҳалар (масалан, балиқчилик, чорвачилик) трансформацияси ва бунинг ёшлар бандлигига таъсири.

6. Таълим ва меҳнат бозори номуносиблиги (*Skills Mismatch*): Олий ва профессионал таълим йўналишлари ҳудудий меҳнат бозори талабларига қанчалик мос келиши.

Бунда фокус-гурӯҳлар ва интервьюларни ташкил этишда респондентларни қуйидагича тоифалаш маълумотлар ҳолислигини таъминлайди (жадвалга қаранг):

### 1-жадвал. Қорақалпоғистон ёшлари орасида бандлик динамикасини сифатли ўлчаш индикаторлари

Респондентлар тоифаси	Ўлчаш кўрсаткичлари
"Ёшлар дафтари" дагилар	Давлат томонидан берилаётган имтиёзларнинг самарадорлиги
Миграциядан қайтган ёшлар	Уларнинг қайта мослашиши ва орттирган кўникмаларини маҳаллий бозорда қўллаши
Тадбиркор аёллар	Гендер тўсикларни енгиб ўтиш ва бандликдаги муваффақият омиллари
Иш берувчилар	Ёш кадрларга бўлган асосий талаблар ва улардаги етишмаётган кўникмалар

Ўтказилган таҳлиллар Қорақалпоғистон Республикасидаги ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар жадал суръатда кечаётганини кўрсатмоқда. БМТ Тараққиёт Дастури (UNDP) ва Иқтисодий тадқиқотлар ва ислохотлар маркази (CERR) томонидан 2025 йил октябрь ойида эълон қилинган “Ўзбекистонда норасмий бандлик” ҳисоботида қуйидагилар қайд этилган:

*Биринчи хулоса:* Соҳалар кесимида ёшлар орасида норасмий бандлик қишлоқ хўжалиги, қурилиш ва савдо соҳаларида энг юқори даражада қолмоқда. *Иккинчи хулоса:* Бу ҳолат ёшлар, аёллар ва қишлоқ аҳолисига номутаносиб равишда салбий таъсир кўрсатади, уларнинг ижтимоий ҳимоя ва муносиб меҳнат шароитларига киришини чеклайди. *Учинчи хулоса:* Расмий ишсизлик даражаси пасайганига қарамай (2025 йил 3-чорагида 4,9%), норасмий сектордаги бандлик “муносиб меҳнат” (*decent work*) стандартларига жавоб бермайди [1].

ILOнинг “Global Employment Trends for Youth 2024” ва 2026 йилги истиқболларида Европа ва Марказий Осиё минтақаси бўйича муҳим трендлар келтирилган: *биринчидан*, Марказий Осиёда таълимда ҳам, ишда ҳам бўлмаган (NEET - Not in Education, Employment, or Training кўрсаткичи — ҳеч қаерда ўқимайдиган, ишламайдиган ва касб-хунар ўрганмаётган ёшлар қатламини англатади) ёшлар улуши юқориликка қолмоқда. Айниқса, ёш аёллар орасида бу кўрсаткич эркакларга нисбатан 1,8 баравар юқори (24,1% ва 13,4%); *иккинчидан*, ёшларнинг чет элга кетиш мотивлари нафақат юқори даромад, балки уй-жой ва ижтимоий мобиллик имкониятлари чеклангани билан ҳам изоҳланади[2].

Ўзбекистондаги сўнгги маълумотларга кўра NEET кўрсаткичлар қуйидагича тақсимланмоқда;

1. Гендер фарқи: 16-29 ёшли аёлларнинг 44 фоизи NEET тоифасига киради, бу кўрсаткич эркакларникидан 4 баробар юқори.

2. Ёш динамикаси: Аёллар орасида NEET даражаси 18 ёшдан кейин кескин ўсиб, 25-30 ёшда 74 фоизга етади. Эркакларда эса бу кўрсаткич максимал 33,5 фоизни ташкил этиб, ёш улғайган сари камайд.

3. Умумий ишсизлик: 2024 йил якунларига кўра, мамлакатда умумий ишсизлик даражаси 5,1 фоизга тушган.

4. Олий таълим қамрови: 18-23 ёшли аҳолининг олий таълим билан қамраб олинishi 47,7 фоизни ташкил этган.

UNDPнинг Қорақалпоғистон бўйича 2025 йилги лойиҳа ҳисоботлари ва 2026-2030 йилларга мўлжалланган янги Дастури (CPD) хулосаларига мувофиқ Ўзбекистонда NEET ёш аёллар улуши 42% ни ташкил этади (эркакларда 8,8%) [3]. Бу Қорақалпоғистоннинг олис туманларида уй-рўзгор мажбуриятлари ва паст мобиллик сабабли янада сезиларли бўлиши мумкин. Бу тадқиқот методологиясида танлаб олинган асосий индикаторларнинг гендер кесимдаги кўрсаткичларини асослайди.

Шунингдек, Оролбўйи минтақасида “Яшил бандлик” (*green jobs*) ва рақамли кўникмаларни ривожлантириш устувор йўналиш сифатида белгиланган. 2025 йилги лойиҳалар доирасида камида 50% иштирокчилар ёш аёллар бўлиши мақсад қилинган[4]. Ушбу дастур орқали бандлик динамикасига экологик таъсир механизмларига ойдинлик киритади. Худди шундай амалий ёндашувлар асосида инновациялар қўлланилади ва Қорақалпоғистонда қишлоқ хўжалигини рақамлаштириш ва “ақлли жамият” (*smart communities*) концепцияси орқали ёшлар бандлигини ошириш бўйича UNDP, UNICEF ва FAO қўшма лойиҳалари самарадорлигини таъминлайди.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилигини янада ошириш мақсадида ILO ва UNDP ҳисоботларидан ташқари, Марказий Осиёдаги ўхшаш ҳудудлар масалан, Қозоғистоннинг Қизилўрда вилояти билан қиёсий таҳлил қилинди. Ушбу таҳлил Орол денгизи ҳавзасига туташ қўшни давлатларнинг тажрибасидан келиб чиқиб Қорақалпоғистон учун ноёб ечимлар ишлаб чиқишга ёрдам беради. Қорақалпоғистон ва Қозоғистоннинг Қизилўрда вилояти ўртасидаги қиёсий таҳлил Оролбўйи минтақасидаги ёшлар бандлигини тушуниш учун энг мақбул танловдир. Бу икки ҳудуд ўхшаш экологик (Орол инқироzi), иқтисодий (аграр-саноат) ва демографик хусусиятларга эга.

Қозоғистонда NEET кўрсаткичлари ва бандлик тузилмасига мувофиқ (таълимда ҳам, ишда ҳам бўлмаган) ёшлар улуши бўйича Қизилўрда энг юқори кўрсаткичлардан бирига эга (8,3%), бу республика бўйича ўртача кўрсаткичдан анча юқори. Қорақалпоғистонда ҳам NEET даражаси ниҳоятда юқори: мажбурий таълимдан сўнг ёш йигитларнинг 54 фоизи,

қизларнинг эса 66 фоизи банд бўлмаган ёки таълим олмаётган тоифага кириди [5]. Демак, иккала ҳудудда ҳам "ўқишдан ишга ўтиш" (*school-to-work transition*) босқичида тизимли узилишлар мавжуд. Қизилўрда тажрибасидаги "нокогнитив кўникмаларни ривожлантириш" ва кўшимча таълим экотизимини яратиш моделлари Қорақалпоғистон учун ечим бўлиши мумкин.

Гендер тафовутлар бўйича кўрсаткичлар, Қизилўрдада ёш аёллар ўртасидаги ишсизлик даражаси (5,3%) эркакларга нисбатан юқорироқ ва бу асосан ижтимоий ва уй-рўзгор юкламаси билан боғланади. Қорақалпоғистонда гендер тафовут янада кескинроқ бўлиб, NEET аёллар улуши (74%) эркакларникига (24,8%) нисбатан 3 баробар кўп [6]. Қозоғистоннинг гендерга йўналтирилган ижтимоий дастурларини Ўзбекистоннинг "Аёллар дафтари" тизими билан қиёслаб, Қорақалпоғистоннинг олис ҳудудлари учун "мобил касбий таълим" моделларини таклиф қилиш мумкин.

Миграция динамикасига кўра, Қизилўрдада ички миграция (Остона ва Олмаота шаҳарларига) ва "Болашақ" каби дастурлар орқали малакали кадрларнинг чиқиб кетиши кузатилади. Қорақалпоғистонда ташқи меҳнат миграцияси (асосан Россия ва Қозоғистонга) етакчи ўринда. Шунингдек, этник қозоқ ёшларининг Қозоғистонга доимий яшаш учун кўчиб ўтиш (*Қандас дастури*) тенденцияси мавжуд. Демак, Қизилўрдада ёшларни ҳудудда олиб қолиш учун қўлланиладиган "диплом билан қишлоққа" каби рағбатлантириш дастурларининг самарадорлигини Қорақалпоғистон шароитига мослаштириш мумкин.

Норасмий бандлик ва иқтисодий чидамлилиқ кўрсаткичлари бўйича иккала ҳудудда ҳам норасмий бандлик қишлоқ хўжалиги ва қурилиш соҳаларида тўпланган. UNDP тадқиқотларига кўра, Оролбўйи минтақасида "Яшил иқтисодиёт" (Green Economy) ва рақамли инфратузилмани ривожлантириш норасмий сектордан расмий секторга ўтишнинг асосий драйвери ҳисобланади.

Қорақалпоғистон Республикаси 2022-2026 йилларда комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, йирик табиий-минерал ресурслар, қишлоқ хўжалиги ва транспорт салоҳиятини ошириш, шунингдек 2035 йилгача бўлган асосий мақсадли кўрсаткичлар орқали аҳоли фаровонлигини юксалтириш, иш ўринларини кўпайтириш ҳамда инфратузилмани модернизация қилишга қаратилган кенг кўламли ислохотларни амалга оширмоқда.

2024 йилда ишга тушган 480 та йирик ва ўрта лойиҳалар (саноат, хизмат кўрсатиш, қишлоқ хўжалиги) учун кадрларни "мақсадли буюртма" асосида тайёрлаш "Инвестициявий лойиҳалар ва таълим" интеграцияси ҳар бир йирик инвестиция лойиҳасига муайян касб-ҳунар мактаби ёки техникумни бириктириш. Ёшлар назарияни ўқув юртида, амалиётни эса бевосита ўша янги қурилаётган корхонада ўташ тартиби жорий қилинди.

2025 йилда "Қорақалпоғистон Республикасида тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш ҳисобига Ёшлар ижтимоий-иқтисодий марказини барпо этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Президент қарори қабул қилинди. Қарорга кўра, Хўжайли туманида Ёшлар ижтимоий-иқтисодий маркази ташкил этилади[7]. Марказ ҳудудида IT университет, стартаплар технопарки ва уларни қўллаб-қувватлаш инновацион гуруҳлари, ёшлар бандлигини таъминлашга қаратилган ишлаб чиқариш корхоналари фаолияти йўлга қўйилади. Шунингдек, қуриб фойдаланишга топширилган ижтимоий соҳа объектлари инвестор томонидан тегишли давлат органлари тасарруфига бегараз ўтказиб берилади.

2025 йил 14 августда "Қорақалпоғистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирларини янада жадаллаштириш тўғрисида"ги ПҚ-248 сонли Президент қарори қабул қилинди[8]. Қарорга мувофиқ, Қорақалпоғистон Республикасини 2035 йилгача ривожлантириш стратегияси Boston Consulting Group билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган беш йиллик дастур асосида амалга оширилади. Дастурни молиялаштириш учун **150-200 миллион АҚШ доллари** миқдорида хорижий маблағлар жалб этилиши кутилмоқда. Қарорда Қорақалпоғистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг 2025-2026 йилларга мўлжалланган асосий мақсадли кўрсаткичлар белгиланган. Хусусан, **ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 6-6,5 фоизга, саноат ишлаб**

**чиқариш 5-6 фоизга, хизматлар бозори 15-17 фоизга, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш 4-5 фоизга ўсишини таъминлаш режалаштирилган [9].**

Демак, асосий урғу фақат иш ўрни яратишга эмас, балки ёшларни хорижий инвестициялар олиб келаётган янги технологияларга мослаштиришга қаратилди. Хусусан, **саноат соҳасида** фаолият олиб бораётган тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашни кучайтириш мақсадида кичик ва ёшлар саноат зоналари иштирокчиларига, зиммасига юклатилган мажбуриятларни тўлиқ бажарган тақдирда, саноат зоналарида фаолият кўрсатиш муддатидан қатъи назар, ўзларига бириктирилган бино ва иншоотларни (уларнинг бир қисмини) **тўлиқ хусусийлаштириш ҳуқуқи** берилади. Саноат зоналарида юридик шахслар учун хусусийлаштирилган ер участкасининг сотиб олиш нархи юридик шахслардан олинадиган ер солиғи базавий ставкасининг Нукус шаҳрида 1 баравари, бошқа ҳудудларда 0,5 баравари миқдоридан келиб чиқиб белгиланади.

Хулоса ўрнида таъкидлаш лозимки, NEET тоифаси бўйича мажбурий таълимдан сўнг ўқимайдиган ва ишламайдиган ёшлар улуши юқори (эркаклар орасида 54%, аёллар орасида эса 66%) эканлиги боис, ёшлар бандлигини таъминлаш учун “Ёшлар дафтари” орқали имтиёзли кредитлар ва субсидиялар тизими жорий этилган. Таълим тизимининг меҳнат бозори талабларига тўлиқ мос келмаслиги ёшларнинг юқори даромадли соҳаларда ишлашига тўсқинлик қилмоқда. Натижада, ёшларнинг чет элга меҳнат миграциясига кетиш динамикаси сақланиб қолмоқда.

Қорақалпоғистондаги 1% ижтимоий солиқ имтиёзидан фойдаланиб, ҳудудни “Масофавий хизматлар маркази” (ВРО) га айлантириш орқали меҳнат бозорига кириб келаётган 50 минг ёшнинг камида 10-15 фоизини фрилансинг ва IT-экспортга йўналтириш мумкин. Бу нафақат иш ўрни, балки ҳудудга валюта оқимини ҳам таъминлайди.

“Яшил” иқтисодиётда ёшлар тадбиркорлигини Оролнинг қуриган тубида барпо этилган 1,8 млн гектар ўрмонзор базасида “Эко-тадбиркорлик” кластерлари шаклида ривожлантириш орқали ёшларга доривор ўсимликлар етиштириш, асаричилик ва эко-туризм йўналишларида имтиёзли кредитлар ажратиш мумкин. Бу ҳам экологик, ҳам иқтисодий самара беради.

Кичик бизнес учун “Солиқ таътили” ва Инкубация тартиби қўллаш орқали тадбиркорлар ихтиёрида қолаётган 500 миллиард сўмнинг бир қисмини ёшлар стартапларини суғурталаш фондига йўналтириш мумкин. Натижада, янги бизнес бошлаётган ёшлар учун дастлабки 1 йил давомида бино ижараси ёки асбоб-ускуна лизинги бўйича давлат субсидиялари кенгайтирилади.

“Уста-шоғирд” мактабларини саноатга кўчириш орқали тўқимачилик, фармацевтика ва қурилиш материаллари тармоқларида “Саноатдаги таълим” тизимини жорий этиш. Бунда 13 мингта юқори даромадли иш ўрнига даъвогар ёшларни корхонанинг ўзида қисқа муддатли (3-6 ойлик) курсларда ўқитиш ва ўқиш даврида иш ҳақига тенг стипендия тўлаш тартибини қўллаш мумкин.

Мобил касбий тайёргарлик тизимини жорий қилиш орқали олис овул ва туманлардаги ёшлар учун “Мобил ўқув марказлари”ни ташкил этиш мумкин. Буни қурилиш ёки электротехника соҳалари бўйича махсус жиҳозланган автобусларда чекка ҳудудларга бориб, ёшларни жойида касбга ўқитиш ва сертификат бериш шаклида қўллаш самара беради.

Оролбўйидаги “яшил ўрмонзорлар” нафақат экологияни яхшилади, балки қишлоқ хўжалиги ва хизмат кўрсатиш соҳасида экологик барқарорликни таъминлайди ва янги тармоқлар учун имкониятлар очади. Ҳар йили бозорга кириб келаётган 50 минг ёш кадр ҳудуд иқтисодиёти учун катта ресурсга айланиб, демографик босимни имкониятга айлантиришга хизмат қилади.

#### АДАБИЁТЛАР:

1. "World Employment and Social Outlook: Trends 2026". ILO Flagship Report (2026).
2. Оролбўйи минтақасида институционал чидамлилиқ ва ёшлар имкониятларини кенгайтириш бўйича янги стратегия / UNDP Country Programme Document (2026-2030).

3. <https://www.gazeta.uz/oz/2025/08/18/ishsizlik/>
4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Иқлим ўзгариши бўйича конференциясидаги (COP28) нутқи / <https://president.uz/uz/lists/view/6897>
5. «Ўзбекистон - 2030» стратегиясини 2023 йилда сифатли ва ўз вақтида амалга ошириш чоратадбирлари тўғрисида / Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори, 11.09.2023 йилдаги ПҚ-300-сон. <https://lex.uz/uz/docs/6600390>
6. «Ўзбекистон - 2030» стратегиясини 2023 йилда сифатли ва ўз вақтида амалга ошириш чоратадбирлари тўғрисида / Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори, 11.09.2023 йилдаги ПҚ-300-сон. <https://lex.uz/uz/docs/6600390>
7. <https://www.gazeta.uz/uz/2025/08/19/karakalpakstan/>
8. <https://lex.uz/uz/pdfs/7685398>
9. “Қорақалпоғистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган чоратадбирларни янада жадаллаштириш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 14 августдаги ПҚ-248-сонли қарори.

#### РЕЗЮМЕ:

Ушбу мақолада сўнги йилларда Қорақалпоғистон Республикасида амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар, ҳудуднинг дотациядан чиқиб, иқтисодий ривожланиш жараёни ва ёшлар бандлигини таъминлаш борасидаги стратегик вазифалар таҳлил қилинади.

**Калит сўзлар:** Қорақалпоғистон, иқтисодий динамика, инвестиция, солиқ имтиёзлари, ёшлар бандлиги, меҳнат бозори, замонавий касблар, Оролбўйи, тадбиркорлик.

#### РЕЗЮМЕ:

В данной статье анализируются экономические реформы, проведенные в Республике Каракалпакстан в последние годы, переход региона от субсидирования к экономической независимости, а также стратегические задачи обеспечения занятости молодежи.

**Ключевые слова:** Каракалпакстан, экономическая динамика, инвестиции, налоговые льготы, занятость молодежи, рынок труда, современные профессии, Аральский регион, предпринимательство.

#### RESUME:

This article analyzes the economic reforms implemented in the Republic of Karakalpakstan in recent years, the region's transition from subsidies to economic independence, and the strategic objectives of ensuring youth employment.

**Keywords:** Karakalpakstan, economic dynamics, investment, tax incentives, youth employment, labor market, modern professions, Aral region, entrepreneurship